Берданов Махсетбай Исабаевич — «Тахиташот иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Бокиев Султанмурад Маннонович — Шахрисабз туманидаги «Чо-

штепа» масъулияти чекланган жамияти раиси. Қашқадарё вилояти

Болтаев Зайнобидин Тошходжаевич — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Марҳамат тумани бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

Бурiev Махмуд Юлдошевич — «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив экспедициянинг шимолий коллекторлар мелиоратив тизими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Васин Александр Васильевич — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бош коммутация маркази» филиали шахарлараро автоматик телефон станция цехи бошлиғи

Гайбуллаев Елбай Ембергенович — Кегейли туманидаги «Пахтакеш» фермер хўжалиғи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ганиев Юлдаш Уринович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси куюв цехи бошлиғи, Навоий вилояти

Ганиева Ойинса — Юқори Чирчиқ туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Гаппорова Хулқар Азаматовна — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Навоий вилояти Кенгаши қошидаги «Ёшлар маркази» тўғрак раҳбари

Давлетназаров Алишер Аскарovich — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қораўзак тумани Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Давлетов Қувондик Жуманиязович — «Хоразмйўлқурилиш» корхонаси автоғрейдерчиси, Хоразм вилойти

Дададжанов Жаҳонгир Тахирджанovich — Андижон шахридаги «Uraland» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Андижон вилойти

Джаббаров Зафар Зарипovich — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Амиробод кон-геофизика экспедицияси» филиали отряд бошлиғи, Бухоро вилойти

Джанқараев Джўра Кошаевич — Термиз тумани йўл хўжалиғи пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автоғрейдерчиси, Сурхондарё вилойти

Довранова Манзура Абдуллаевна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Нуробод тумани таянч пункти директори, Самарқанд вилойти

Душамов Одилбек Норметovich — «Шовот дон махсуслоплари» акциядорлик жамияти тегирмон ишчиси, Хоразм вилойти
Жаббарова Акибатхон Халимовна — Балиқчи туманидаги «Мадина-97» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилойти
Жиянбаев Отабек Зивадлатovich — Шајхонтоҳур туманидаги «Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Жумаева Фароғат Эшпупатовна — Бухоро шахридаги «Daewoo Textile Bukhara» масъулияти чекланган жамияти бригада бошлиғи, Бухоро вилойти

Жўраев Эркин — Каттақўрғон шахридаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилойти

Зайнитдинова Зулайхо Нематхонovна — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Зоиров Нашпандиқол Саттарovich — «Ўзнефтягазказибчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонаси технологик қурилмалар кузатувчиси, Қашқадарё вилойти
Зоҳидов Файзулла

МУНОСАБАТ

Халқимизнинг ғурури ва ифтихори



Бибисанем ТЕМИРХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Чинакам янгилашлар бутун бошли жамият ҳаётида ҳам, алоҳида одамлар онги ва тафаккурида ҳам, уларнинг турмуш тарзида ҳам туь бурилишлар ясади. Мустақиллик халқимизнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маънавий ҳаётида ҳам ана шундай бурилиш ясаган жараён сифатида беқисс ўрин тутди.

Шулар қаторида айтиш мумкин, мустақиллик миллий парламентни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Истиқлол йилларида бир палатали парламентдан профессионал парламентга бўлган босқичлар изчиллик билан босиб ўтилди. Бу борада, энг аввало, ҳар бир соҳа ва йўналишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга катта эътибор берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мисол учун, ислохотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани ҳам ҳуқуқ берилгани ва ташкилий шарт-шароит яратилгани натижасидир.

Узоққа бормайлик. Айни пайтда тадбиркорлик ҳуқуқий жиҳатдан кенг йўл очиб берилганини О'zLiDeP электорати ҳисобланган мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қабул қилинаётган қатор фармон ва қонунлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу соҳа давлатимизнинг доимий эътиборида турганини яна бир бор яққол намоён қилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, фармонда белгиланган вазифалар ягона мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш орқали иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, мулкдорлар синфини рағбатлантириш, пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган.

Фракциямиз аъзоларининг фикрича, мазкур фармон асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам соҳага оид муносабатларни янада либераллаштириш, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда иқтисодийнинг жадал ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Истиқлол берган имкониятлар



Ойбек ЭГАМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуг ва энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 24 йиллик шодибаналарига тобора яқинлаштирмоқда. Халқимиз ушбу санани муносиб кутиб олиш, уни кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, мустақиллик асрий озуларимиз ушалиб, ўзгиримиз қайта тикланган кундир.

Шундай экан, улкан мақсадлар сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг 24 йиллик истиқлол йўли тарихнинг шонли саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилишига шубҳа йўқ. Ана шу даврда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида халқнинг турмуш даражаси юксалди, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди янги қиёфага кирди. Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар туфайлидир.

Улуғ мутафаккирлар бирор давлат ташқи сиёсатининг характерли хусусиятларини аниқламоқчи бўлсанг, аввало, мазкур мамлакатнинг халқро майдондаги муйайн сиёсий қадамларини ўрганиш ҳамда ушбу қадамларнинг ҳар икки томон учун, яъни ўша давлатнинг ўзи ва дунё ҳамжамияти учун нечоғлик самарадорлигини аниқлашдан бошладим, дея таъкидлайдилар. Шу маънода мамлакатимиз ўтган тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятидан ўз ташқи сиёсат стратегияси, халқро муносабатлардаги позицияси билан ҳам муносиб ўрин эгаллади, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март кун БМТга аъзо бўлди. Айни пайтда ушбу нуфузли ташкилот билан тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, экология, таълим, маданият, туризм каби кўплаб соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритганини эътироф этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. Бу юксак эътироф Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари БМТ фаолиятга ҳамроҳан эканлигини далolatдир. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида бу борада қандай йўл тутган бўлса, ўша йўлга содиқ қолмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон халқро алоқаларни ривожлантиришда ўз халқи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Президентимиз бошчилигида аниқ ва узоққа мулжалланган ташқи сиёсат олиб бормоқда. Зеро, О'zLiDeP ҳам мамлакатда миллий манфаатларни инобатга олган ҳолда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада интеграциялашувга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Партиямиз нуктаи назарича, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — бу иқтисодийнинг барқарор ўсиши, авваломбор, тадбиркорлик, бизнесни ривожлантириш ва умуман аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим шартидир.

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ:

«АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ЖУДА МУҲИМ МАСАЛА»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'zLiDeP ҳамда «Миллий тикланиш» ДП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилишида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаларнинг бош мавзуси бўлди

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, қизгин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган тадбирда О'zLiDeP фракцияси аъзолари кун тартибидеги масала юзасида асосли фикрлар билдириб, амалдаги қонуннинг янги таҳрири аҳоли саломатлигини асраш, фуқароларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, партия дастурида белгилангандек, оналик ва болаликни муҳофазалаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали янада такомиллаштиришга хизмат қилишни таъкидладилар.

— Масалага О'zLiDeP позицияси нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, қонун лойиҳасида замонавий тиббиёт ютуқларига таянган ҳолда мамлакат соғлиқни сақлаш тизими хусусий капиталини жалб қилиш, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишда рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ходжаева. — Дарҳақиқат, бугун юртимизда фаолият юритаётган дорихоналарнинг аксарияти айнан хусусий сектор улусига тўғри келаётди. Уларнинг аҳолини сифатли дори воситалари ва

тиббий буюмлар билан таъминлашдаги ўрнини инобатга олиб, қонуннинг янги лойиҳаси «Дорихона» моддаси билан тўлдирилмоқда. Бу моддада дорихонанинг ваколатлари, уни бошқариш, фаолиятига қўйилган шартлар ва назорат тартиби билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Маълумки, Фуқаролик ко-

Масалага О'zLiDeP позицияси нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, қонун лойиҳасида замонавий тиббиёт ютуқларига таянган ҳолда мамлакат соғлиқни сақлаш тизимига хусусий капитални жалб қилиш, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишда рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

дексининг 76-моддасига биноан дорихонанинг ташкилий тузилмаси «ташкilot» тушунчасига тўғри келади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 4-бобида биноан «ташкilot» тушунчаси «муассаса» тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Муассаса деганда эса даволаш-профилактика муассасаларининг бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатувчи дорихоналари тушунилади. Амалдаги қонунга мувофиқ мазкур ҳолат хусусий тадбиркорлик йўлида тўсиқ бўлиб турган эди. Чунки тадбиркор давлат тизимига кирувчи муассаса ҳисобланмайди. Шунинг алоҳида олган ҳолда «муассаса» тушунчаси «ташкilot»



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'zLiDeP ҳамда «Миллий тикланиш» ДП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилишида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаларнинг бош мавзуси бўлди

тушунчаси билан алмаштирилди. Кўриниб турганидек, қонунга киритилаётган мазкур ўзгариш О'zLiDeP дастурий мақсадларида белгиланган вазифалар ҳамда унинг электорати манфаатларига хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилаётгани ҳам тилга олинди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари дори воситалари, тиббий буюмлар хавфсизлигига таал-

луқли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш каби бир қатор вазифалар билан кенгайтирилмоқда. Яъни, вазирлик дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда самарадорлиги, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириши кўзда тутилаётди.

Шу ва бошқа масалалар кўриб чиқилгандан сўнг ҳар иккала партия фракцияси аъзолари электорат манфаатлари ва ўз сайловолди дастура-ларидан келиб чиқиб, қонуннинг алоҳида меъёрларини янада такомиллаштиришга доир тақлифларни билдирдилар. Ху-

сусан, қонун лойиҳасига дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, уларнинг қалбақлаштирилиши, сифатсиз тиббий буюмлар сотилишининг олдини олишни назарда тутувчи меъёрни киритишни тақлиф этдилар. Шунингдек, йиғилишда дорихоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини янада аниқ белгилаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига мослаштириш лозимлиги таъкидланди. Эътиборлиси, бу тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида дори воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланиш имконини яратди.

Йиғилиш якунида депутатлар иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳасини маъқулладилар. Кун тартибидеги масала юзасидан Демократик кучлар блокининг аниқ позицияси шакллантирилиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир тақлиф ҳамда тавсияларни маъқул кўришга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқро эпизоотия бюроси маълумотларига кўра, сайёрамизда бир қатор хавфли юқумли касалликлар, хусусан, куйдирги, қрим-конго геморрагик иситмаси бўйича вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу муаммоларнинг олдини олиш ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, ветеринария соҳасида профилактика, санитария-тарғибот тадбирлари кўламини кенгайтириш, энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашни талаб этаётди



Бекзод ОРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ушбу соҳага оид 20 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилиниб, бир қанча халқро шартнома ва икки томонлама келишувлар имзоланди. Улар орасида 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат 5 боб, 23 моддадан иборат бўлиб, унда ветеринариянинг асосий вазифалари, тузилиши, хусусий ветеринария фаолияти, идоравий ветеринария хизмати, ҳайвонлар юқумли касалликлари тарқалганда карантин ёки чеклашларга оид қатор нормаларни қамраб олган.

Амалдаги қонунга шу кунга қадар 4 мартаба ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ шиддат билан ривожланаётган давр ветеринария соҳасида хизмат кўрсатишни жаҳон стандартларига мослаштириш,

юртимизда ветеринария фармацевтикаси муносабатларини тартибга солиш, ветеринария санитариясини кучайтириш сингари масалаларни ҳам қонунда акс эттиришни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан айни вақтда янги таҳрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар, малакали мутахассис ва экспертлардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи томонидан маромига етказилмоқда. Бу қизгин жараёнда О'zLiDeP фракцияси аъзолари фаол қатнашаптилар. Чунки мазкур қонун партиямиз электорати учун нормаларни қамраб олган.

Шунингдек, ветеринария мутахассислари профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиши, ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларга чалинганлиги

га таъриф бериш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида моддада акс эттиришни тақлиф этмоқда. Бошқача айтганда, ветеринария мутахассислари ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳайвонлар касалликларини тарқалишининг олдини олиш ва бартараф этилишини таъминловчи ветеринария чора-тадбирларини ўтказиш ҳақидаги тақлифларни корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун киритиш, эпизоотик ҳолатни аниқлаш учун ҳайвонларнинг, ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар, малакали мутахассис ва экспертлардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи томонидан маромига етказилмоқда. Бу қизгин жараёнда О'zLiDeP фракцияси аъзолари фаол қатнашаптилар. Чунки мазкур қонун партиямиз электорати учун нормаларни қамраб олган.

Шунингдек, ветеринария мутахассислари профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиши, ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларга чалинганлиги

хусусида шубҳа пайдо бўлганда давлат ветеринария хизматида зудлик билан хабар қилиши ва касаллик тарқалишини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши, эпизоотия юзага келган тақдирда давлат ветеринария хизмати кўрсатмасига биноан ветеринария тадбирлари ўтказиш мажбуриятлари юклатилмоқда.

Бу эса, табиийки, чорвачиликка ихтисослашган фермерлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, уларнинг ветеринария соҳасидаги ҳуқуқлари янада мустаҳкамланмоқда. Зеро, О'zLiDeP ўз Сайловолди дастури орқали аграр соҳадаги муносабатларни такомиллаштириш, фермер ва деҳқон ҳужжатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш масалаларини илгари сурган.

Бир сўз билан айтганда, фракциямиз аъзолари томонидан билдирилаётган бундай амалий тақлиф ва тавсиялар келгусида ветеринария соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш билан бирга жойларда ҳайвонлар юқумли касалликларини тарқалишининг олдини олиш ва аҳолининг ветеринария оёсийишталарини таъминлашга хизмат қилади.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЭНГ УЛУГ БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ АНЖУМАН

О'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ВА ПАРТИЯНИНГ Олий МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «БЕТАКОРОМИСАН, ЯҲОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОН!» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ДАВРА СУХБАТИ «БИЗ — КИЧИК БИЗНЕС, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ВАКИЛЛАРИ ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ» МАВЗУСИДА Бўлди.
ЭНГ УЛУГ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЗКУР АНЖУМАНДА О'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ РАИСИ, ПАРТИЯНИНГ Олий МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ СОДИҚЖОН ТўРДИЕВ, ПАРЛАМЕНТ ҚўЙИ ПАЛАТАСИНИНГ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚўМИТАСИ РАИСИ АДҲАМ ШОДМОНОВ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ХОДИМИ САНЖАР КАРИМОВ, КўПЛАБ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР СўЗГА ЧИҚИБ, ИСТИҚЛОЛ ЯРАТИБ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАР КЕЛТИРИШДИ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 35 (615)-son, e-mail: xxi_asr@mail.uz

Истиқлол ғояларини қалбларга нақшлайлик!

«Бетақорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!». Ушбу широк замирида кундан-кун чирой очётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, овоз ва обод юртимиз кифоаси, барқарор сурутларда ривожланаётган иқтисодийтимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқошталлик, мана шу муътабар замирида тотув яшаётган барча миллатларнинг бахт-иқболи тўла муҳасам.

Партия аъзоси сифатида айни кунларда олдимизда турган долзарб вазифа — улуг айёни бағришланган тадбирлар доирасида Мустақилликнинг туб моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тарихий йўли, эришган улкан марра ва ютуқларимиз, юртдошларимиз дилидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тўла аксини толган ушбу давлат, ушбу эзгу ғоя қалбларга, шуурларга нақшланганига эришмоқдан иборат, деган фикрданам.

Маслақдошларим ишонч билдириб, 2013 йилда мени заводдаги БПТ етакчилигига сайлашди. Бирлашма қасаба уюмаси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинатида «Ёшлар кенгаши» раис сифатида ишлаб, тўплаган тажрибаларим қўя келди. Ишчи партиявий тарғибот-ташвиот ишларини оқшайтириш, сафдошлар фаоллигини оширишга қаратдик. О'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Биргаликдаги тадбирларимизда мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч — О'zLiDePнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, шунингдек, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишга эътибор қаратдик.

Бу борада заводимиз жамоасининг салкам 60 фоизини ташкил этувчи ёшлар кўмағига таяндик. Бугунга келиб сафдошларимиз сони 8 нафардан 45 нафарга етгани ҳам партиямиз ғояларни қанчалик халқчил эканини кўрсатади.

Партия вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги конференциясида делегат сифатида иштирок этдим. Конференцияда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги 107 та депутатлик ўрнини маслақдошларимиз қўлга киритгани, бундан ташқари, вилоятимизда кейинги бир йил ичда ҳаммаслақларимиз сони икки баробарга ошиб, қарийб 19 минг нафарга етгани тилга олинди. Ана шундай мавқеи билан партия аъзоси эканлигимдан фахрландим. Анжуманда партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишни қатъият билан давом эттириш, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланган ҳолда партия электорати ва тарафдорлари сафини кенгайтириш, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида ташвиот ишларига алоҳида диққат қаратиш, партиявий лойиҳаларни ўтказишда омивийликка эришиш каби қатор йўналишларда олиб борилиши лозим бўлган ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига урғу берилди.

Конференциядан қайтгач, куйи бўғин йиғилишини ўтказдик. Йиллик иш режамизни қайта қўриб чиқиб, имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда унга муайян ўзгартишлар киритдик. Фаол сафдошларимиздан иборат тарғибот гуруҳини туздик. Уларнинг ҳар бири бирлашмадаги 34 та ишлаб чиқариш цехига масъул этиб белгиланди. Шу кунларда мазкур гуруҳ аъзолари ишчи-қўшмақлар ўртасида давра сўхбатлари уюштиряптилар. Мулоқотларда мустақиллик жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишининг энг асосий ва муҳим шартини, миллий тараққийтимиз нафолати эканлиги тўғрисида атрофича сўз юритилмоқда. Тадбирларда таянч ташкилотимизга бириктирилган О'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раисини, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари, НКМКга қарашли тиббиёт-санитария бирлашмаси бош врачси Алишер Мирзаев ҳам бевосита қатнашиб, учрашуларнинг мазмунини ўттишига ҳисса қўшаётганини қайд этиш ўринли.

Энг улуг, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида партия аъзоларига қабул қилишни сўраб ариза берган яна 40 нафардан зиёд жамоадошимизга партия аъзолик гувоҳномаларини тантанали равишда топширишни режалаштирганимиз.

Анвар ЖУМАЕВ.
«Навоий машинасозлик заводи»
бирлашмасидаги БПТ раисини.

ТАНЛОВНИНГ ҚУЙИ БОСҚИЧИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Маълумки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш, уларнинг сифат таркибини янада яхшилаш, намунали куйи бўғинлар сонини кўпайтириш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида таянч тузилмалар ўртасида «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловини эълон қилганди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кўрик-танловни уюштириш тўғрисидаги қарорида қайд этилганидек, мазкур тадбирнинг туман (шаҳар) босқичи Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида ташкил қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Истиқлол даврида республикамизда Президентимиз раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар, чуқур ислохотлар амалга оширилди. Мазкур ислохотлар натижасида давлат бошқаруви тизими тубдан ўзгарди, парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсири кучайтирилди, сиёсий партияларнинг қарорлар қабул қилишдаги мавқеи ва ўрни мустаҳкамланди. Энг муҳими, бундай изчил ислохотлар тизимли ва босқичма-босқич йўсинда давом эттирилмоқда. Барчамиз ушбу ҳаётбахш ислохотларнинг нафақат тарафдори ва қўллаб-қувватловчиси, балки уларни амалга ошириш жараёнидаги энг фаол иштирокчиға айлишимиз керак.

Айни кунларда кўрик-танловни юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш учун партия туман ва шаҳар кенгашларида тузилган махсус ишчи гуруҳлари куйи ташкилотларга ҳар томонлама кўмак, жумладан, танловда муваффақиятли қатнашишга доир маслаҳат ва тавсиялар бераёптилар. Хусусан, яқинда О'zLiDeP Ғиждувон туман ташкилоти тарихидаги БПТлар ўртасида танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Ишчи гуруҳи томонидан танловда иштирок этиш истагини билдирган БПТлар фаолияти ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳужжатлар ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилди. Ҳайъат томонидан уларнинг ишлари белгиланган мезонлар ва номинациялар бўйича ҳолисона баҳоланди.

Партия туман кенгаши раисини, ҳакамлар ҳайъати раҳбари Ш.Шодиевнинг айтишича, бошланғич ташкилотлар фаолияти кўрик-танлов низоми талабларига мувофиқ тарзда қўриб чиқилди. Яъни, баҳолаш жараёнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга БПТ томонидан қўшилган амалий ҳисса ва

электорат манфаатларини ҳимоя қилишга оид тақлифлар, партиядан сайланган барча погонлардаги депутатлар билан ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилганлиги, БПТ хонасининг партиявий имижда жиҳозланиши ва зарурий ҳужжатлар юритилиши, ҳисобот даврида партия Устави ва Дастури талабларини ҳамда партиянинг юқори органлари томонидан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши, ҳудудларда партиявий лойиҳаларни ташкиллаштириш ва улар ижросига бошланғич партия ташкилотининг қўшган ҳиссаси сингари мезонлар асос қилиб олинди.

Ҳакамлар ҳайъати «Ғиждувон Машҳураси» хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилотини 1-ўринга муносиб, деб топди. «Шукур Тўхта» фермер хўжалигида иш юритаётган куйи бўғин 2-ўринга, «Соқтар» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги партия таянч нуқтаси эса 3-ўринга лойиқ қўрилди. Ғолиблар партиянинг фахрий ёрликлари ҳамда қимматли совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, мазкур БПТларга лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этишлари учун йўлланмалар



топширилди.

Танловнинг низомида қўшимча номинациялар ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, бу борада ҳам энг яхши бошланғич ташкилотлар аниқланди. «Энг кўп аъзоларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти» номинацияси бўйича туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидаги партия таянч бўғини зафар қозонди. «Энг кўп аъзолик бадалини туширган бошланғич партия ташкилоти» номинациясида «Техника Сервис» масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатаётган БПТ, «Ҳужжатлар юритилиши яхши йўлга қўйилган, энг яхши хона ва

жиҳозларга эга бўлган бошланғич партия ташкилоти» номинациясида «Калон Маждид» фермер хўжалиги бошланғич ташкилоти, «Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфига бегараз ёрдам кўрсатаётган, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти» номинацияси бўйича эса «Саодат лобарлари» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида рўйхатдан ўтган партия куйи ташкилоти

Бугунги кунда вилоятнинг барча туман ва шаҳар партия ташкилотларида кўрик-танлов қизгин давом этмоқда.

Б.ИСРОИЛОВ.

Маслақдошларимиз ташаббуси хайрли анъанага айланди

Мустақиллик бизга улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Муносиб ҳаёт кечиримиз учун мустаҳкам замин яратди



Буни ҳар бир ватандошимиз чин қўрақдан эътироф этмоқда, истиқлол ёғдуси турмушимизнинг барча жабҳаларида акс этмоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида етакчи тармоқ, балки қишлоқдаги фаол ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиб кетди. Таъкидлаш кераки, ушбу муҳим жараён О'zLiDeP дастурий вазифаларига тўла ҳамоҳандир. Бинобарин, ўтган йили айнан партия Қўшқўлпар туман кенгаши тарихидаги фаол бошланғич партия ташкилотлари, жумладан, «Ҳамроқ» фермер хўжалигидаги куйи бўғин механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш — улар ўртасида махсус танлов уюштириш тақлифини илгари суришганди. Мазкур ғоя партия ҳудудий ташкилоти ва бошқа идораларга маъқул бўлиб, бундай ўзига хос мусобақа юқори савияда ўтказилганди. Қувонарлики, маслақдошларимизнинг ушбу ташаббуси яна бир яхши анъана тусини олапти. Яъни, яқинда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Бетақорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» широк остида тумандаги фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётган техника эгалари ўртасида навбатдаги «Энг яхши механизатор» танлови ташкил қилинди. Тадбирнинг уюштирилишига партия ҳудудий ташкилоти, вилоят Фермерлар кенгаши, Қўшқўлпар туман ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Агротехсервис» МЧЖ, Агросаноат мажмуи қасаба уюшмаси туман кенгаши кўмаклашди. Эътиборлиси, бу йилги танловда ишти-

роклардан аввалгисига нисбатан кўпроқ экани кўзга ташланди. Бу эса механизаторлар ўртасида танлов оммалашиб бораётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ушбу тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самараси эканини алоҳида қайд этгандилар, — деди тадбирда сўз олган партия вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири М.Рўзметов. — Шундай экан, тадбиркорлар ва фермерларни бирлаштириб турган партиямиз фаоллари томонидан инсон меҳнати ва истеъодининг турли кўринишларида эътироф этилиши, қадрланиши айни муддаодир. Кишиларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшадиган, янги ютуқларга илҳомлантирадиган ана шундай эзгу ишларни янада кўпайтиришимиз даркор. Бундай ташаббуслар сиёсий куч нуфузини ошириш, унинг хайрихоҳларини кўпайтиришда ўзига хос аҳамият касб этишини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Механизаторлар орасида соғлом рақобатни юзага келтириш, эл-юрт ҳурматини қозонганлар ишини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, маҳоратли мутахассислар тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўтказилган бу танлов шартлари иштирокчилар ичидан энг муносибларини саралаб олиш имконини берди. Чунончи, биринчи шартга кўра, улар ўз маҳоратларини амалий жараён-

ларда намойиш қилдилар, яъни техника воситасида турли ишларни бажардилар, тиркама ва мосламаларни алмаштириш, сошлаш бўйича ўз кўникмаларини кўрсатдилар. Иккинчи шартга мувофиқ тракторнинг техник хусусиятларига тааллуқли саволларга жавоб бердилар. Учинчи шарт эса қатнашчининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, дунёқароши, қизиқишлари ҳамда оиласига бўлган муносабатини аниқлашга йўналтирилган эди. Соҳа мутахассислари, партия фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг чиқишини ҳолис баҳолади. Ғолибларга ҳамкор ташкилотлар томонидан пул мукофотлари, қимматли совғалар топширилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Чунки дастлабки дақиқаларда қўзғовиларнинг устаси бўлган, иқтидорли, назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаган чинакам мутахассислар майдонга чиққанлиги маълум бўлди.

«Қадам повар» фермер хўжалиги механизатори Руслан Жуманиязов мутлақ ғолиб, деб топилди. «Ғазовот» ММТП ходими Равил Тураев иккинчи, «Ўзбекистон» ва «Ғазовот» ММТП мутахассислари Шавкат Аллаёров ҳамда Шихназар Одомбаев учинчи ўринни эгалладилар.

О'zLiDeP ўз электорати — қишлоқ мулкдорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш масалаларига масъулият билан ёндашаётган, — дейди Р.Жуманиязов. — Ушбу танлов бунинг яна бир тасдиғидир. Очиғи, ютиб чиқаман, деб уйламагандим. Бу муваффақиятим аслида устозларимнинг, камчиликларим тузалишига ҳисса қўшган, билмаганларимни ўратган жамоадорларимнинг ютуғидир.

Мен отам касбининг давом эттиряман, — дейди «Лолажон» фермер хўжалиги механизатори Умидбек Сапаев. — Танлов биз — ёшлар учун ўзига хос бир сабоқ ҳам бўлди. Чунки баъзи ҳамкасбларим ўз ишида шунчалик илгариллаб кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Чиндан ҳам ҳамма нарса қиёсда билинаркан. Ўз маҳорат ва кўникмаларимни янада ошириб, келгуси йилги танловда фаол қатнашишга ва ғолиб бўлишга аҳд қилдим.

Дурдона ҚОБУЛОВА,
О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши масъул ходими.
Бехўд ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Депутатнинг энг яқин кўмакчиси

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Шу билан бирга мазкур мулоқотларда куйи бўғинлар ўз фаолияти орқали аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, хусусий сектор манфаатларини ифодалаш, бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муайян ҳисса қўшаётганликлари хусусида ҳам сўз борди. Чунончи, партия таянч нуқталари томонидан кўтаришган айрим масалалар маҳаллий кенгашлардаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари йиғилишларида муҳокама этилиб, аксариятининг ечимини топилади. Қуйи тузилмалар йиғилишларида кўрилган баъзи муражаатлар эса бу борадаги аҳвол муфассал ўрганиб чиқиши учун асос бўлмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан шу йил июль ойида бўлиб ўтган сессияга иккита долзарб масала киритилди. Депутатлар дастлаб Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ҳудудларда таълим-тарбияни янада ривожлантириш, соғлом, билимли, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида олиб борилаётган ишларни муҳокама қилдилар. Бу йўналишда О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Санжар Эргашевнинг ахбороти тингланди. Мазкур гуруҳи ўз сўзида мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларига замонавий ва илғор педагогик усул ва услублар, ахборот технологияларини жорий этиш, маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакл ва методларида олиб борилаётган ишларни муҳокама қилди.

Шу ўринда бир жиҳатдаги 62 та маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини фаолиятини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ҳаракат дастури ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бораёلمиз, — дейди О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Ўтган даврда доимий комиссия йиғилишларида 9 та масала муҳокама этилди. Депутатларимиз томонидан ўндан орტიқ сўровнома киритилиб, муаммоларнинг ечимларига оид амалий тақлифлар тайёрланди.

Шу ўринда бир жиҳатдаги 62 та маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини фаолиятини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ҳаракат дастури ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бораёلمиз, — дейди О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Ўтган даврда доимий комиссия йиғилишларида 9 та масала муҳокама этилди. Депутатларимиз томонидан ўндан орტიқ сўровнома киритилиб, муаммоларнинг ечимларига оид амалий тақлифлар тайёрланди.

муҳим аҳамият касб этади. — дейди О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, 20-Пакхаткор сайлов округидан депутат этиб сайланган Абдусалим Мўминов. — Сессияга киритилган иккинчи масала — шаҳар ҳокимлиги иқтисодий бўлимининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурига мувофиқ овқат туширилиши лозим бўлган озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги фаолияти атрофлича танқид қилинди. Чунончи, амалга таъкид этилиши лозим бўлган 15 та лойиҳадан фақат 5 таси бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланган, 10 таси бўйича бирорта иш қилинмаган.

Айни пайтда шаҳримиздаги 62 та маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини фаолиятини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ҳаракат дастури ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бораёلمиз, — дейди О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Ўтган даврда доимий комиссия йиғилишларида 9 та масала муҳокама этилди. Депутатларимиз томонидан ўндан орტიқ сўровнома киритилиб, муаммоларнинг ечимларига оид амалий тақлифлар тайёрланди.

Шу ўринда бир жиҳатдаги 62 та маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини фаолиятини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ҳаракат дастури ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бораёلمиз, — дейди О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Ўтган даврда доимий комиссия йиғилишларида 9 та масала муҳокама этилди. Депутатларимиз томонидан ўндан орტიқ сўровнома киритилиб, муаммоларнинг ечимларига оид амалий тақлифлар тайёрланди.

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

